

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВ ФАРХОД ТУРСУНБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ САВДО
ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Мухамедов Фарход Турсунбаевич

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари.....	3
---	---

Мухамедов Фарход Турсунбаевич

Направления развития торговых систем рынка ценных бумаг в Узбекистане.....	29
---	----

Mukhamedov Farkhod Tursunbaevich

Directions of development of trading systems of the securities market in Uzbekistan.....	55
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works.....	59
---	----

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВ ФАРХОД ТУРСУНБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ САВДО
ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Iqt156 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамидулин Михаил Борисович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Одилжон Бердимуратович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: 0(371) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж..И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий қисмини молия бозори, хусусан унинг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар бозори ташкил этаётганлигини кўрсатмоқда. Қимматли қоғозлар бозори инструментларининг асосий савдоси яъни айланмаси унинг савдо тизимлари орқали амалга оширалади. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари ўзининг назарий-методологик ва институционал асосларига, фаолияти механизмига, ҳуқуқий-меъёрий базисга ва молиявий инструментларига эга. Замонавий қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари молиявий глобаллашувнинг асосий кўринишларидан бири сифатида жаҳон иқтисодиёти ҳолатини ўзида акс эттиради, у ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имкониятини тақдим этади, ривожланишини белгилаб беради. Жаҳон фонд биржалари федерацияси маълумотларига кўра “2018 йилда жаҳон қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг умумий ҳажми (акциялар – 97,3 трлн. доллар, облигациялар – 13,8 трлн. доллар) – 111,1 трлн. АҚШ долларни ташкил қилди, бу жаҳон ЯИМ умумий ҳажмидан 26,3 трлн. долларга каттадир”¹. “Деривативлар жаҳон бозори савдо тизимининг ҳажми эса 2018 йилда 30,1 млрд. АҚШ доллариға тенг контрактлар (шундан 13,2 млрд. доллар опционлар ва 16,9 млрд. фьючерслар)дан иборат бўлди”². Халқаро тажрибада қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари мамлакат иқтисодиёти учун аҳоли жамғармалари ва юридик шахслар пул маблағларини инвестицияларга трансформация қилувчи механизмлардан бири сифатида қаралади.

Молиявий глобаллашув шароитида қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалар фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий-тадқиқотларда қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари ҳисобланган фонд биржалари фаолиятини такомиллаштириш, улар орқали мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш, қимматли қоғозлар айланмасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, уларда муомалада бўладиган инструментларни диверсификациялаш ва жозибадорлигини ошириш, мазкур фаолиятни мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этиш, миллий фонд бозорларини халқаро молия бозорларига интеграциясини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Аммо, ривожланаётган мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозори ва уларнинг савдо тизимлари етарли даражада барқарор эмаслиги, муомаладаги инструментлар сонининг камлиги, ривожланган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозорининг айланмаси бошқа давлатлар билан тафовутининг катталиги, фонд бозорларининг иштирокчилар учун қўйган талаблари фарқ қилиши туфайли ўзаро интеграцияни таъминлаш қийинлиги, инвестицияларни жалб қилишда мавжуд потенциалдан етарлича фойдаланилмаётганлиги сабабли мазкур масала бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

¹ www.world-exchanges.org ва www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

² WFE IOMA 2018 Derivatives Report маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масалалари амалга ошириляётган иқтисодий ислохотларни бири бўлиб қолмокда. “Мазкур соҳадаги ислохотларда фонд бозорида акциялар жами қийматининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан пастлиги, давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақат тижорат банкларига сотилгани, фонд бозори профессионал иштирокчилари сони камлиги, турли чекловларни бекор қилиш зарурлиги, мавжуд акциядорлик жамияти акцияларининг аксарияти давлатга тегишли бўлиб, шундан 105 та жамиятнинг атиги 5 фоиз акциялари фонд бозорида иштирок этаётганлиги, қимматли қоғозлар турларини кўпайтириш, инвесторлар ва миноритар акциядорлар ҳукуқи ҳимоясини кучайтириш, фонд бозоридаги ўзгаришлар ҳақида кўпроқ ахборот бериб бориш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш каби ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд”.³ Мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг умумий айланмаси таҳлил этилган сўнгги ўн йиллик давомида ўртача ЯИМнинг 3 фоизига ҳам етмаган, уюшган савдо майдончаси ҳисобланган “Тошкент” Республика фонд биржаси умумий айланмасининг мамлакат ЯИМдаги улуши 0,16 фоизни, мазкур савдо тизимлари орқали иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларидаги акциядорлик жамиятларига жалб қилинган инвестицияларни мамлакат ЯИМга нисбати 2,2 фоизни ташкил этганлигини ва умумий ҳолда қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларининг иқтисодиётга инвестиция киритишдаги роли паст эканлиги, иккиламчи бозор ривожланмаганлигини бугунги кунда юқорида таъкидланган масалаларнинг ҳал этилиши ўз долзарблигини сақлаб турганлигини кўрсатмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартдаги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1727-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2340-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4933-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сон Фармонлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларини ривожлантириш йўналишларини белгилашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/2913>

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁴

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масалалари дунёдаги қатор етакчи халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, молия институтлари, нуфузли илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, хусусан, Жаҳон банки (World Bank), Жаҳон фонд биржалари федерацияси (World Federation of Exchanges), Халқаро молия корпорацияси (The International Finance Corporation (IFC)), Институт мировой экономики и международных отношений РАН (ИМЭМО РАН), Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, Stanford University (USA), Қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти (International Organization of Securities Commissions (IOSCO)) кабиларнинг доимий диққат марказида эканлиги мазкур тадқиқот ишининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Қимматли қоғозлар бозори, уларнинг савдо тизимлари фаолиятини ривожлантириш, молиявий инструментлар таҳлили ва мазкур бозорни мувофиқлаштирувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган: “Катастрофа (Фалокат)” облигацияларини чиқариш орқали табиий офатларга бўлган чидамликни оширишга эришиш усуллари такомиллаштирилган (Жаҳон банки (World Bank)); жаҳондаги мавжуд фонд биржаларни Америка (AMERICAS), Осиё - Тинч океани (ASIA - PACIFIC), Европа - Африка - Ўрта Шарқ (EUROPE - AFRICA - MIDDLE EAST) худудларига бўлиб ўрганиш услубиёти такомиллаштирилган (Жаҳон фонд биржалари федерацияси (World Federation of Exchanges)); маҳаллий капитал бозорларини ривожлантириш, хусусан облигациялар чиқариш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун капитал жалб қилиш йўллари таклиф этилган (Халқаро молия корпорацияси (The International Finance Corporation)); жаҳон молия бозорлари, уларнинг минтақавий, мамлакат, институционал сегментларини мониторинг қилиш ва прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилган; молиявий динамика цикллари, молиявий инқирозлар, макромолиявий тартибга солиш ва Россиянинг халқаро молия тизимларига интеграцияшувигага оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Институт мировой экономики и международных отношений РАН (ИМЭМО РАН)); АҚШ, Хитой, Гонконг, Сингапур, Буюк Британия, Япония ва Европа Иттифоқининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали FOREX бозорида операцияларни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқилган. Замонавий молиявий технологияларни жорий этиш ва амалда қўллашни қонуний тартибга солиш йўллари таклиф қилинган. (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации); Бозор портфелининг таркибий қисмлари, капитализацияси, портфелни ва бозор хатарини баҳолаш, активларни диверсификациялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш орқали “ақлли инвестиция стратегиялари”га эришиш йўллари такомиллаштирилган (Stanford University (USA)), IOSCO мақсадлари ва қимматли қоғозларни тартибга солиш принциплари

⁴ www.worldbank.org; www.world-exchanges.org; www.ifc.org; www.imemo.ru; www.fu.ru; www.stanford.edu; www.iosco.org

амалга оширилишини баҳолаш методологияси такомиллаштирилган (Қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти (International Organization of Securities Commissions)).

Жаҳонда қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари бўйича бир қатор устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ривожланаётган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимлари инфратузилмасини такомиллаштириш; қимматли қоғозлар инвестицион портфелини диверсификациялаш ва уни баҳолаш услубиётини такомиллаштириш; қимматли қоғозлар савдосида эмитент ҳамда бозор кўрсаткичларини фундаментал ва техник таҳлил қилиш асосида энг мақбул позицияни танлаш, оптимал қарор қабул қилиш ва инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш; қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган принциплар ва тавсияларни барча мамлакатлар қимматли қоғозлар бозорига имплементация қилиш, миллий қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришнинг макрорегулятор концепциясини жорий қилишнинг методологик масалаларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Г.Александр, А.Басов, Дж.Бейли, В.Галанов, Дж.Гитман, А.Килячков, В.Колесников, Я.Миркин, А.Навой, Э.Петере, Б.Рубцов, В.Торкановский, Дж.Р.Хикс, О.Хмыз, Л.Чалдаева, У.Шарп, Aurangzeb, Rizwan Mushtaq, Kwadwo Boateng Prempeh, Vladimir Arčabićлар⁵ илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мазкур масалага республикаимиз иқтисодчи олимларидан Х.Акромов, У.Алиев, И.Алимов, И.Бутиков, Н.Жумаев, В.Котов, Ф.Мирзаев, Э.Носиров, М.Хамидулин, Ф.Хамидова, Ш.Шохаъзамий, Ф.Юлдашев, Т.Ядгаровлар, Ж.Каримкулов, У.Холиқов, Х.Худойкулов, А.Хўжамуродовларнинг⁶ илмий

⁵ Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции. - Пер. с англ. - М.: ИНФРА М, 1999. - XII, 1028 с.; Гитман Дж. Основы инвестирования. - Пер. с англ. - М.: Дело, 1998. - С. 145-152; Петере Э. Хаос и порядок на рынках капитала. Новый аналитический взгляд на циклы, цены и изменчивость рынка. - М.: Мир, 2000. - 24 с.; Хикс Дж.Р. Стоимость и капитал. - М.: Прогресс, 1988. - 365 с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. - М.: Альпина Паблишер, 2002. - 583 с.; Рубцов Б.Б. Современные фондовые рынки. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. - 423 с.; Хмыз О.В. Международная финансовая интеграция коллективных инвесторов // Финансы, М., - №8, 2007. - С. 55-59; Галанов В.А., Басов А.И. Рынок ценных бумаг. - М.: Финансы и статистика, 2001. - С. 239-253; Колесников В.И., Торкановский В.С. Ценные бумаги. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 141 с.; Навой А.В. Структурный анализ международного движения капитала // Деньги и кредит, М., - №1, 2007. - С. 39-48; Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. - М.: Юрист, 2005.- 687 с; Aurangzeb (2012). Factors Affecting Performance of Stock Market: Evidence from South Asian Countries. International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences September 2012, Vol. 2, No. 9 ISSN: 2222-6990; Rizwan Mushtaq (2011). The Relationship between Stock Market Volatility and Macroeconomic Volatility: Evidence from Pakistan. Article in SSRN Electronic Journal. DOI:10.2139/ssrn.1888073; Kwadwo Boateng Prempeh (2016). Macroeconomic Variables and Stock Price Volatility in Ghana. Online at <https://mpra.ub.uni-muenchen.de/70545/> MPRA Paper No. 70545; Vladimir Arčabić (2013) .The relationship between the stock market and foreign direct investment in Croatia: Evidence from VAR and Co-integration analysis. Financial theory and practice37 (1) 109-126.

⁶ Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. - Т.: Академнашр, 2009. -141 б.; Шохаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник. - Т.: Итм Зио, 2006. - 288 с.; Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори. - Т.: Консаудитинформ, 2001. - 496 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. - Т.: Молия, 2008. - 204 с.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. - Т.: Молия, 2007. - 23 с.; Мирзаев Ф.И.

ишларида алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, И.Бутиковнинг илмий иши Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори шаклланиши ва фаолият кўрсатиши муаммолари, М.Хамидуллиннинг тадқиқот иши Корпоратив бошқарувнинг молиявий механизмларини ривожлантириш, В.Котовнинг тадқиқот иши Қимматли қоғозлар бозори ташкил қилиш, Ж.Каримқуловнинг илмий иши Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари, Х.Худойкуловнинг иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-54-сонли “Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий, услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг назарий асосларини тадқиқ этиш ва уларни таснифлаш;

қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ҳуқуқий - меъёрий асосларини ўрганиш;

Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар мисолида): и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. - 20 б.; Алиев У.М. Пути совершенствования функционирования инфраструктуры рынка ценных бумаг: Автореферат дисс... к.э.н. – Ташкент, 2008. - 19 с.; Насиров Э.М. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2006. - 21 б.; Ядгаров Т.Д. Депозитарная система рынка корпоративных ценных бумаг и ее интеграция в международный рынок капитала: автореферат дисс... к.э.н. - Ташкент, 2003. - 20 с.; Юлдашев Ф.А. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масалалари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. - 22 б.; Хамидова Ф.А. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия: автореферат дисс... к.э.н. - Ташкент, 2009.-19 с.; Алимов И.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. - 202 б.; Ақромов Х.М. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири: и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. - 22 б.; Каримқулов Ж.И. Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. - 22 б.; Холиқов У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Тошкент, 2017. - 24 б.; Худойкулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Тошкент, 2018. - 24 б.; Хўжамуродов А.Ж. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Тошкент, 2019. - 26 б.

халқаро қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг молиявий глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётидаги ролини ёритиб бериш;

молиявий глобаллашув шароитида халқаро қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг узвий боғлиқликда ривожланишини ва уларнинг листинг талабларини таҳлил қилиш ва мамлакатимиз фонд бозори учун фойдали хулосаларни чиқариш;

мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш, муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечими юзасидан тегишли таклифлар ва илмий хулосаларни шакллантириш;

қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ҳудудлар ва тармоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролига баҳо бериш;

биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари фаолияти ва ривожланишини таҳлил қилиш;

қимматли қоғозлар бозори савдо тизимида янги инструментларни жорий қилиш, уларни амал қилиши ва ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларини халқаро капитал бозорларига интеграциялашувини таъминлаш йўллариини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантиришда юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - тизимли таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, кузатиш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фонд биржа савдоларида мижозларга масофадан туриб савдо тизимида тўғридан-тўғри кириш имкониятини яратиш асосида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш тизими такомиллаштирилган;

эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг камида 15 фоизи free floatни ташкил этиши асосида биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизимининг листинг талаблари ва уни ўтказиш такомиллаштирилган;

фонд биржасида илк бор IPO ва SPO ўтказилган акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларига оид битимларни бир акция - бир лот тамойили асосида амалга ошириш ва ритейлга эришиш таклиф этилган;

давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқаришни амалга ошириш ва уларни жойлаштиришдан тушган маблағларни давлат бюджети тақчиллигини қоплашга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган

тадбирларни, шунингдек, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш таклиф этилган;

суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қимматли қоғозлар бозори савдо бозори тизимлари таснифланган ва уларга тавсиф берилган;

халқаро қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг молиявий глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётидаги роли таҳлиллар натижасида ёритиб берилган;

молиявий глобаллашув шароитида халқаро қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг узвий боғлиқликда ривожланиши ва уларнинг листинг талаблари таҳлил қилинган ва мамлакатимиз фонд бозори учун фойдали хулосалар чиқарилган;

мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган, муаммолари аниқланган, мазкур савдо тизимларининг ҳудудлар ва тармоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролига объектив баҳо берилган;

биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизими ривожланиши таҳлил қилинган, унда янги инструментларни жорий қилиш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Жаҳон фонд биржалари федерацияси, Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, “Тошкент” Республика фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларини тадқиқ этишга доир назарий-методологик ҳамда ушбу тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан қимматли қоғозлар бозори ва унинг савдо тизимларини ривожлантиришга қаратилган стратегиялар, концепциялар, иқтисодий дастурлар ҳамда фонд бозорини янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари бўйича ишлаб

чиқилган таклифлари асосида:

фонд биржа савдоларида мижозларга масофадан туриб савдо тизимида тўғридан-тўғри кириш имкониятини яратиш таклифи “Тошкент” Республика фонд биржаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (“Тошкент” Республика фонд биржасининг 04.10.2019 йилдаги № 01/16-07-888-сонли маълумотномаси). Натижада, фонд биржада қимматли қоғозлар билан савдоларни оператив ташкил этишга эришилган.

давлатга, давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларига, холдинг компаниялари ва хўжалик бирлашмаларига тегишли бўлмаган, эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг камида 15 фоизи эркин муомалада бўладиган акциялар (free float)ни ташкил қилиши лозимлиги бўйича берилган таклифи “Тошкент” Республика фонд биржаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (“Тошкент” Республика фонд биржасининг 04.10.2019 йилдаги № 01/16-07-888-сонли маълумотномаси). Натижада биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизимининг “А” тоифа листинг компанияларига қўйиладиган листинг талаблари ва уни ўтказиш такомиллаштирилган;

“Тошкент” Республика фонд биржасида илк бор IPO ва SPO ўтказилган акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларига оид битимларни бир лот - бир акция тамойили асосида амалга ошириш, “тоза” сотилиши ритейлга эришиш юзасидан таклифи “Тошкент” Республика фонд биржаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (“Тошкент” Республика фонд биржасининг 04.10.2019 йилдаги № 01/16-07-887-сонли маълумотномаси). Натижада 2018 йил якунида биржадаги битимлар сони 11 178 тага ошган, биржа савдоларига жалб қилинган қимматли қоғозлар сони 8 511 млн. донага кўпайиб, 10 062,6 млн. донани ташкил этган;

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқаришни амалга ошириш ва уларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини қоплашга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг тасдиқланган параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланадиган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 30.09.2019 йилдаги №06/28-02-01-32/3146-сонли маълумотномаси). Натижада давлат қимматли қоғозлари эмиссияси муваффақиятли амалга оширилган ва тўлиқ жойлаштирилишига эришилган, йил давомида бенчмарк янгиланиб турган.

Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни аукцион савдолари ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича берган таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 30.09.2019 йилдаги №06/28-02-01-32/3146-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасининг халқаро

облигациялари муваффақиятли сотилган ва улардан тушган пул маблағлари тижорат банклари депозитларига жойлаштирилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 24 республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 6 та ўқув қўлланма, миллий ОАК эътироф этган журналларда 17 та, жумладан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда 30 та маъруза ва тезислар нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 223 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва предмети аниқ белгиланган, илмий тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кенг баён қилинган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, билдирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритилганлиги ва тадқиқот натижаларининг апробацияси, уларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг назарий ва методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида қимматли қоғозлар бозори савдо тизим (ҚҚБСТ)ларининг мазмуни ва назарий асослари ўрганилган, улар таснифланган ва тавсифи келтирилган, қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ёритиб берилган. Мазкур бобда тадқиқот иши мавзусига оид бир қатор иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари ўрганилган. Хорижлик олимлар Л.Гитман ва М.Джонкнинг фикрича, қимматли қоғозлар бозори - бу нақд пул етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида битимлар тузиш механизмидир, фонд биржалари – бу муайян қимматли қоғозларни сотиб олувчилар ва сотувчиларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этадиган марказлашган муассасадир.⁷ Р.Тьюлз, Э.Брэдли, Т.Тьюлзлар қимматли қоғозлар бозори ва унинг муҳим бўғини ҳисобланган фонд биржа ҳақида фикр юритиб, қимматли қоғозларнинг алоҳида эмиссиялари учун барқарор бозорни яратиш, шубҳасиз фонд биржасининг муҳим вазифаларидан биридир. Барқарор бозорда қимматли қоғозлар катта ҳажмда сотилади ва сотиб олинади, чунки жорий бозор нархларида унчалик катта тебранишлар бўлмайди, - деб таъкидлайдилар.⁸ Россиялик олима В.Никифорованинг фикрича, қимматли қоғозлар бозорининг савдо тизими бу қимматли қоғозларни сотишни ташкил этиш шакллари ва усуллари, шунингдек, ушбу жараёнларга хизмат

⁷ Гитман Л.Дж., Джонк Майкл Д.. Основы инвестирования. – М.: Издательство “Дело”, 1997.- С.41-44.

⁸ Тьюлз Р., Брэдли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок. – 6-е изд.: Пер. С англ. – М.:Инфра-М, 1997.- С.101

кўрсатадиган профессионал иштирокчиларнинг йиғиндисидир.⁹ В.Галанов ва А.Басовларнинг фикрича, умуман олганда, қимматли қоғозлар бозори унинг иштирокчиларининг қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомаласи бўйича иқтисодий муносабатларнинг мажмуи сифатида белгиланиши мумкин.¹⁰ Биржа – бу қонуний равишда савдогарлар ташкилоти сифатида ташкил этилган улгуржи бозор.¹¹ Т.Бердниковнинг фикрича, фонд биржаси – қимматли қоғозлар бозорида савдо ташкилотчиси ҳисобланади.¹² Л.Чалдаева, А.Килячковларнинг фикрича, қимматли қоғозлар бозорида давлат облигациялари, корпоратив қимматли қоғозлар ва ҳосилавий молиявий инструментлар (деривативлар) муомалада бўлади.¹³ Е.Жуковнинг фикрича, биржа – бу биринчи навбатда брокерлар томонидан қимматли қоғозларни олди-сотди қилиш бўйича буюртмаларни бажарадиган савдо залидир.¹⁴ Ю.Рубин ва В.Солдаткиннинг фикрига кўра, фонд биржаси – бу биринчи навбатда, қимматли қоғозларни сотувчи ва харидор бир-бирини топадиган жой, бу ерда ушбу қимматли қоғозларнинг нархи уларга бўлган талаб ва таклиф билан аниқланади ҳамда олди – сотди жараёни қоидалар ва меъёрлар билан регламентланади, яъни бу яхши ташкилланган қимматли қоғозлар бозори.¹⁵

Мамлакатимиздаги соҳа олимларидан бири Ш.Шохаъзамийнинг фикрича, ҚҚБСТ – бу битишув тўғрисида шартнома тузишни, тузилган шартнома параметрларини текшириш, клирингни (ҳисоб-китобни) амалга ошириш, битим талабларини охиригача ижро қилиш (тўловни амалга ошириш ва қимматли қоғозларни янги эгасига бериш) имкониятларини берувчи иқтисодий, техник, технологик ва ташкилий воситалар мажмуасидан иборат мураккаб савдо индустрияси сифатида ташкилланган бозор механизми¹⁶. Мамлакатимизнинг соҳа олимларидан бири И.Л.Бутиковнинг фикрича, “классик кўринишдаги фонд биржаси - бу профессионал иштирокчилар томонидан уюштирилган, энг яхши қимматли қоғозларнинг доимий равишда амал қилиб турувчи улгуржи бозори бўлиб, у савдо - сотиқнинг ҳамда қимматли қоғозлар ва брокерларга савдоларга рухсат беришнинг алоҳида тартиб, тамойилларига эгадир”¹⁷ - дея таърифлаган. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини уюшган ва уюшмаган, бирламчи ва иккиламчи, биржавий ва биржадан ташқари, биржадан ташқари уюшган ва уюшмаган, маҳаллий, миллий ва халқаро савдо тизимларига ажратиб, таснифланди ва тавсифланди.

Диссертациянинг **“Молиявий глобаллашув шароитида халқаро қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш тенденциялари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида халқаро

⁹ Никифорова В.Д. Торговые системы рынка ценных бумаг - Учебное пособие (<https://uchebnik-online.net/book/203-torgovye-sistemy-rynka-cennyx-bumag-uchebnoe-posobie-nikiforova-vd/33-71-analiz-sovremennyx-tendencij.html>)

¹⁰ Рынок ценных бумаг: Учебник / Под ред. В.А.Галанова, А.И.Басова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2005. – С.191

¹¹ Биржевое дело. Учебник / Под ред. В.А.Галанова, А.И.Басова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С.20

¹² Бердникова Т.Б. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учебное пособие. — М.: ИНФРА-М, 2002. — С.49.

¹³ Чалдаева Л., Килячков А. Рынок ценных бумаг. Учебник. – М.: Юрайт, 2019. — С.12.

¹⁴ Рынок ценных бумаг. / Под ред. Е.Ф.Жукова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – С.136.

¹⁵ Фондовый портфель. / Отв. Ред. Рубин Ю.Б., Солдаткин В.И. – М.: «СОМИНТЭК», 1992. – С.219.

¹⁶ Шохаъзамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга 1- Iqtisod-moliya, 2005.-728 с.

¹⁷ Бутиков. И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. –Т.: Консаудитинформ, 2001.- Б. - 288.

ҚҚБСТларининг молиявий глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётидаги роли, молиявий глобаллашув шароитида халқаро ҚҚБСТларининг узвий боғлиқликда ривожланиши ҳамда жаҳон ҚҚБСТларининг листинг талаблари таҳлили амалга оширилган. Бунда Жаҳон фонд биржалари федерацияси (ЖФБФ)нинг¹⁸ маълумотлари асосида тегишли таҳлилларни амалга ошириш мумкин. Жаҳон фонд биржалари федерациясининг йиллик ҳисоботлари ва сайтида келтирилган расмий маълумотларга асосланиб, халқаро ҚҚБСТларининг дунё иқтисодиётидаги роли жуда ошганлигини кўришимиз мумкин. ЖФБФ маълумотларига кўра 2018 йилда жаҳон ҚҚБСТларининг умумий ҳажми (акциялар – 97,3 трлн. доллар, облигациялар – 13,8 трлн. доллар) – 111,1 трлн. АҚШ долларни ташкил қилди, бу жаҳон ЯИМ умумий ҳажмидан 26,3 трлн. долларга каттадир¹⁹. Деривативлар жаҳон бозори савдо тизимининг ҳажми эса 2018 йилда 30,1 млрд. АҚШ доллариға тенг контрактлар (шундан 13,2 млрд. доллар опционлар ва 16,9 млрд. фьючерслар) дан иборат бўлди²⁰.

1- жадвал

Қимматли қоғозлар бозори капитализацияси юқори бўлган жаҳондаги ТОП-10 давлатлар, млрд. долларда²¹

№	Давлатлар	Йиллар								
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	АҚШ	17283	15640	18668	24034	26330	25067	27352	32120	30436
2	Хитой	4027	3412	3697	3949	6004	8188	7320	8711	6324
3	Япония	3827	3325	3478	4543	4377	4894	4955	6222	5296
4	Гонконг	2711	2258	2831	3100	3233	3184	3193	4350	3819
5	Хиндистон	1631	1007	1263	1138	1558	1516	1566	2331	2083
6	Канада	2171	1912	2059	2113	2095	1593	1993	2367	1937
7	Германия	1429	1184	1486	1936	1738	1715	1716	2262	1755
8	Швейцария	1229	1089	1233	1540	1495	1519	1403	1686	1441
9	Корея	1091	996	1179	1234	1212	1231	1254	1771	1413
10	Австралия	1454	1198	1386	1365	1288	1187	1268	1508	1262

ҚҚБ капитализацияси юқори бўлган давлатлар учлигини АҚШ, Хитой ва Япония ташкил этиб, жаҳон иқтисодиётида Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича ҳам етакчи эканлиги таъкидлаб ўтишимиз мумкин²². Аввалги ўн йилликларда ҚҚБ капитализацияси ҳажми бўйича АҚШ, Япония ва асосан Европа мамлакатлари кучли ўнликка киришган бўлса, ҳозирда Хитой, Гонконг, Хиндистон ва Корея каби Осиё қитаъси давлатлари кучли ўнликдан мустаҳкам ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса сўнгги ўн йилликда Осиё давлатлари ҚҚБСТлари жозибадорлиги ошиб, инвестициялар оқимини жалб қила бошлаганини кўриш мумкин. 1-жадвал маълумотларига кўра 2018 йилда АҚШ ҚҚБ капитализацияси ҳажми бўйича 30436 млрд. доллар кўрсаткич билан мутлақ етакчилиқни қўлга олган ва жаҳон ҚҚБ капитализацияси ҳажмининг 40,8 фоизини ташкил этган. Бу ҳолат АҚШни жаҳон молия бозорида рақобатдан ҳоли

¹⁸ Жаҳон фонд биржалари федерацияси ўз аъзоларини ҳудудлар бўйича қуйидагича тақсимлаган: Америка ҳудуди, Осиё - Тинч океани ҳудуди; Европа –Африка- Ўрта Шарқ ҳудуди.

¹⁹ www.world-exchanges.org ва www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилди.

²⁰ WFE IOMA 2018 Derivatives Report маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоблаб чиқилган.

²¹ www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

²² АҚШ ҚҚБ капитализацияси ҳажми бўйича 30436 млрд. доллар кўрсаткич билан жаҳон ҚҚБ капитализацияси ҳажмининг 40,8 фоизини ташкил этган.


эканлигини кўрсатиб турибди. Бу жаҳон молия бозоридаги капиталларнинг аксарияти АҚШда концентрация бўлганлиги сабабли тегишли молиявий инструментлар орқали капиталлар ҳаракатини бошқариш ва бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ўзининг кенг таъсирини ўтказиш имкониятини беради.

2- жадвал

Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари капитализациясининг мамлакат ЯИМ даги улуши (ТОП-10, КАП / ЯИМ), %²³

№	Давлатлар номи	Йиллар							
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1	Гонконг	1185,9	908,6	1078,3	1124,7	1109,3	1029,4	995,1	1274,1
2	ЖАР	246,4	189,5	229,0	257,1	266,4	231,8	321,7	352,8
3	Швейцария	210,6	155,7	184,6	223,8	210,9	223,5	209,4	248,4
4	Сингапур	273,9	216,8	263,2	244,5	241,6	210,4	206,7	243,0
5	АҚШ	115,3	100,6	115,3	143,2	150,3	137,6	146,2	164,8
6	Малайзия	160,3	132,8	148,4	154,8	135,8	129,1	121,2	144,8
7	Канада	134,6	106,9	112,9	114,7	116,5	102,6	130,6	143,7
8	Нидерландия	78,1	65,8	77,6	93,3	88,3	95,2	102,8	132,5
9	Япония	67,2	54,0	56,1	88,1	90,3	111,4	100,1	127,7
10	Таиланд	81,4	72,4	98,0	84,3	105,7	86,9	105,1	120,5

ҚҚБСТлари капитализациясининг ҳажми шу мамлакатлар ЯИМдан бир неча баробар катта эканлигини кўрсатмоқда. КАП/ЯИМ кўрсаткичи бўйича энг юқори учликни Гонконг 1274,1 фоиз, ЖАР 352,8 фоиз ва мос равишда Швейцария 248,4 фоиз билан эгаллаб турибди.²⁴ Мазкур кўрсаткич таҳлилидан кучли ўнликка Осиё қитъасидан Сингапур, Малайзия, Япония ва Таиланд каби мамлакатлар кирганлигини, бу ҳолат сўнгги ўн йилликда капиталлар ҳаракати, инвестициялар оқими бўйича Европа мамлакатлари билан Осиё мамлакатлари ҳам рақобатлаша бошлаганини кўрсатади. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро ҚҚБСТларининг узвий ўзаро боғлиқлиги дунё молия бозори, қолаверса дунё иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришларни ўзида ифодалайди.



1 - расм. Жаҳон фонд биржалари федерацияси ҳудудларининг умумий капитализацияси ҳажми, млрд. АҚШ долл.²⁵

²³ www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

²⁴ Бунда 2018 йил якуни бўйича КАП/ЯИМ нисбати кўрсаткичи Гонконг 1274,1% ва АҚШ 164,8% ни ташкил этганлиги Гонконгнинг ҚҚБ савдо айланмаси ёки капитализацияси АҚШдагидан катта эканлигини англатмайди. Фақат Гонконг ҚҚБ капитализацияси Гонконг ЯИМ дан бир неча баробар катта эканлиги назарда тутилган.

²⁵ ЖФБФ йиллик ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган. Манба: www.world-exchanges.org сайти маълумотлари.


Биз ЖФБФ ва унинг таркибидаги ҳудудларни таҳлил қилар эканмиз, ЖФБФнинг ички капитализацияси 2010-2018 йиллар оралиғида 54954 млрд. доллардан 74432 млрд. долларга ошганлигини ва бу мос равишда Америка ҳудудида 22173 млрд. доллардан 34206 млрд. долларга, Осиё – Тинч океани ҳудудида 15346 млрд. доллардан 23860 млрд. долларгача, Европа-Африка-Ўрта Шарқ ҳудудида 17435 млрд. доллардан 16366 млрд. долларгача ошганлигини кўришимиз мумкин.

3 – жадвал

ЖФБФ ва унинг таркибидаги ҳудудлар капитализациясининг корреляцияси²⁶

№	Ҳудудлар	Америка	Осиё-Тинч океани	ЕАЎШ	ЖФБФ ўртача
1	Америка	1	+ 0.92	+ 0.64	+ 0.98
2	Осиё-Тинч океани		1	+ 0.56	+ 0.96
3	ЕАЎШ			1	+ 0.71
4	ЖФБФ ўртача				+ 0.88

ЖФБФ ва унинг таркибидаги барча ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлиги ўртача +0.88 ни ташкил этган. Ҳудудларни таҳлил қилганимизда Америка ҳудудининг Осиё-Тинч океани ҳудуди билан корреляцияси жуда кучлилиги ва + 0.92 ни ташкил этганини (ушбу ҳудуднинг – Европа-Африка-Ўрта Шарқ ҳудуди билан ҳудуди билан корреляцияси аввалгисидан биров кучсизроқ +0.64 кўрсатган) таъкидлашимиз мумкин. Мос равишда Осиё – Тинч океани ҳудудининг Европа-Африка-Ўрта Шарқ ҳудуди билан корреляцион боғлиқлиги + 0.56 ни ташкил этганини кузатишимиз мумкин.




2- расм. Жаҳон фонд биржалар федерацияси ҳудудларидаги акциялар савдоси ҳажми, млрд. АҚШ долл.²⁷

Жаҳон фонд биржаларида 2010-2018 йилларда акциялар савдоси 63090 млрд. доллардан 97318 млрд. долларгача ошган. Мос равишда шу йилларда акциялар савдоси Америка ҳудудида 32903 млрд. доллардан 54617 млрд. долларга, Осиё - Тинч океани ҳудудида 18911 млрд. доллардан 29182 млрд. долларга, Европа-

²⁶ ЖФБФ йиллик ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган. Манба: www.world-exchanges.org сайти маълумотлари.

²⁷ ЖФБФ йиллик ҳисоботлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган. Манба: www.world-exchanges.org сайти маълумотлари.


Африка - Ўрта Шарқ худудида 11277 млрд. доллардан 13519 млрд. долларга ошганлигини қайд этиш мумкин.



3 - расм. Жаҳондаги йирик қимматли қоғозлар савдо тизимлари индексларининг динамикаси²⁸

Расмдан Гонконг фонд биржасининг Hang seng composite индекси, Нью-Йорк фонд биржасининг Dow-Jones sanoat индекси ва Токио фонд биржасининг Nikkey - 225 индексининг ўзаро синхронлигини кузатишимиз мумкин. Графикда Франкфурт фонд биржасининг DAX-30 индекси, Лондон фонд биржасининг FTSE-100 индекси, Париж фонд биржасининг CAC-40индекси, Хитойнинг Shanghai composite индекси ва Nasdaq composite индексларининг динамикаси ўзаро синхронлигини қайд этиш мумкин.


Диссертациянинг “Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдо тизимлари ривожланишининг таҳлили ва муаммолари” деб номланган учинчи бобида мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш динамикаси, қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ҳудудлар ва тармоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли, биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари фаолияти ва ривожланиши таҳлил қилинган ва мавжуд муаммолари аниқланган.



4-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимининг таснифланиши²⁹


²⁸ www.macrotrends.net ва www.statista.com сайтининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан жамланган. Индексларнинг йил якунига ҳолати олинган.

ҚҚБСТларининг гуруҳланиши уюшган ва уюшмаган савдо тизимларидан иборат бўлиб, уюшган савдо тизимлари фонд биржаси ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси фаолиятдан иборат.



5-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларининг ривожланиш тенденцияси, (млрд.сўмда) ³⁰

ҚҚБСТлари умумий айланмасининг ҳажми 2016 йилда 412,2 фоизга, 2017 йилда 153,8 фоизга ўсган. Аммо, 2018 йилга келиб ҚҚБ айланмаси ҳажми 2017 йилга нисбатан 48,1 фоизни ташкил этиб, 11537 млрд. сўмга камайган. Мамлакатимиз ҚҚБСТнинг ўсиш ва пасайиш тенденцияси асосан уюшмаган ҚҚБСТ айланмасининг ўзгаришига боғлиқ бўлган. 2018 йилда уюшмаган ҚҚБСТ умумий ҚҚБСТнинг 92,3 фоизини ташкил этган ва бу ҳолат ҚҚБСТда уюшмаган бозорнинг ҳиссаси ҳаддан ташқари катта эканлигини кўрсатади.



6-расм. Ўзбекистонда бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар савдо тизимларининг ривожланиш тенденциялари, (млрд сўмда) ³¹

²⁹ Ушбу тасниф муаллиф томонидан тузилган. Уюшган бозор таркибидаги банклараро савдо тизими амалда фаолият кўрсатмаётганлиги учун киритилмаган.

³⁰ Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (ҚҚБРМ) йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган.


Расмда 2018 йил ҳолатига бирламчи бозор умумий ҚҚБнинг 84 фоизини ташкил этган, бу устунлик иккиламчи бозорнинг ривожланмаганлиги ва барқарор эмаслигини, натижада умумий ҳолда мамлакат ҚҚБнинг самарали эмаслигини кўрсатади. Бирламчи ҚҚБСТдаги асосий битимлар давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида ёпиқ обуна йўли билан устав капиталининг оширилиши ҳисобига рўй берганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мамлакатимиз ҚҚБнинг асосий қисми, 2018 йил ҳолатига 99,05 фоизи акциялар бозори ҳиссасига тўғри келиб, корпоратив облигациялар бозори эса 1 фоизни ҳам ташкил этмаяпти. Бу ҚҚБда молиявий инструментлар тақчиллигини кўрсатади.

4-жадвал

Қимматли қоғозлар бозори савдо тизимлари умумий айланмасининг мамлакат ЯИМ даги улуши (ҚҚБСТ/ЯИМ),%³²

Кўрсат Кичлар	Йиллар								
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
ЯИМ	62388,3	78764,2	97929,3	120861,5	144867,9	171369	199325,1	254043,1	407500
ЯИМ,%	107,3	107,8	107,4	107,6	107,2	107,4	106,1	104,5	105,1
ҚҚБСТ	1681	1603,4	2093,5	977,4	1327	3508	14460	22247	10710
ҚҚБСТ, %	224,2	95,3	130,5	46,6	135,7	264,3	412,2	153,8	48,1
ҚҚБСТ/ ЯИМ,%	2,7	2,03	2,1	0,8	0,9	2,04	7,2	8,7	2,6

ҚҚБСТларининг умумий айланмаси таҳлил этилган йиллар давомида, 2016 ва 2017 йиллардан ташқари мамлакат ЯИМнинг 3 фоизига ҳам етмаган. 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 7,2 ва 8,7 фоизни ташкил этган. Бунга сабаб давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари (АЖ)да устав капитали оширилиши билан боғлиқ операцияларнинг амалга оширилганлигидир. Мазкур кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида миллий ҚҚБСТларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти жуда ҳам пастлигини кузатдик.



7 - расм. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида Давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш хажми, млрд.сўм.³³

³¹ Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (ҚҚБРМ) йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган.

³² ЯИМ (млрд.сўм), ҚҚБСТ (млрд.сўм). ЎРКБРА ва ДСҚнинг маълумотлари асосида тайёрланган.

³³ Манба: <https://www.uzrvb.uz/uz/pages/gosudarstvennye-cennye-bumagi>

26.12.2018 санада чиқарилган 200 млрд. сўмлик Давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ)дан 197 млрд. сўмлик ДҚҚлари жойлаштирилган. Кейинги бўлиб ўтган барча савдоларда чиқарилган ДҚҚларининг барчаси жойлаштирилган. Мазкур ДҚҚлари бўйича ўртача даромадлилик бир йил ичида ўзгариб турган, яъни 26.12.2018 йилда даромадлилик даражаси 14,14 %ни ташкил этган бўлса, 27.02.2019 йилда мазкур кўрсаткич 12,98%га тушган, март ойи бошида яна 14,94% чикқан, сўнгра пасайиш тенденцияси рўй берган ва жорий йилнинг 19 июнида энг паст 7,73%лик натижа қайд этилган, кейинги даврда яна ўсиш тенденцияси кузатилган ва 19 июль ҳолатига даромадлилик даражаси 14,89 %ни ташкил этган, яъни йил давомида бенчмарк янгиланиб турган.

5 – жадвал

Худудлар кесимида акциялар бирламчи ва иккиламчи савдосининг ривожланиш динамикаси, млн.сўм³⁴

№	Худуд номи	2018 йилда акциялар бирламчи савдосининг ҳажми	2018 йилда акциялар иккиламчи савдосининг ҳажми		2017 йилда акциялар иккиламчи савдосининг ҳажми	
			Жами	Ш.ж. Ж.Ш.*	Жами	Ш.ж. Ж.Ш.*
1	Андижон	6 178,8	92 568,0	92 442,9	435 321,6	13 299,0
2	Бухоро	-	9 352,2	3 041,1	3 066,6	3 409,3
3	Тошкент ш.	7 446 091,0	1 399 179,6	571 188,5	1 407 722,1	329 647,4
4	Жиззах	3 269,4	21 822,7	0,8	7,1	6,5
5	Қашқадарё	-	9 269,1	6 979,8	4 284,6	2 295,2
6	Навоий	1 355 487,0	11 733,9	11 660,7	2 368,3	1 631,5
7	Наманган	3 859,8	931,8	796,3	593,0	1 302,7
8	Самарқанд	-	1 556,0	1 478,9	2 349,1	1 249,7
9	Сурхондарё	-	1 249,0	802,5	32 096,4	4 021,3
10	Сирдарё	-	351,6	325,9	1 761,3	2 065,9
11	Тошкент вил.	16 498,7	25 874,3	19 255,3	1 516 132,8	11 058,8
12	Фарғона	173 929,5	24 079,3	24 034,3	47 269,2	16 965,0
13	Хоразм	402,4	5 008,1	2 640,0	2 852,6	2 742,7
14	Қорақалпоғистон Рес.	255,8	84,5	84,5	113,2	255,6
Жами:		9 005 972,4	1 603 060,1	734 731,5	3 455 937,8	389 950,7

2018 йилда Тошкент шаҳри жами бирламчи акциялар савдосининг 82,2 %ни ташкил этган. Кейинги ўринларда эса Навоий 14,4 %, Фарғона 1,9 %ни ташкил этган бўлса, қолган худудлар жумладан, Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг улуши эса 0,1% га ҳам бормаган. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида умуман акцияларнинг бирламчи савдоси амалга оширилмаган. 2018 йилда акцияларнинг иккиламчи савдоси барча худудларда кам ҳажмларда бўлсада амалга оширилган. Иккиламчи бозорда ҳам яққол устунлик Тошкент шаҳрига тегишли ва бу худуд улуши умумий иккиламчи акциялар савдосининг 87,2 %ни ташкил этган. Кейинги ўринларни Тошкент вилояти ва Фарғона вилоятлари 1,5% билан банд этиб туришибди. Қолган вилоятларнинг улуши жуда паст даражада. Умумий ҳолда акциялар иккиламчи савдосининг 45,7 % жисмоний шахслар томонидан амалга оширилганлигини таъкидлашимиз мумкин.

³⁴ Манба: ЎРКБРА маълумотлари. * - Жисмоний шахслар.


**ҚҚБСТларининг ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги
роли, (млрд.сўмда) ³⁵**

№	Ҳудудлар номи	ЯИМ ва ЯҲМ	ҚҚБСТ*	ҚҚБСТ/ЯҲМ, %
	Ўзбекистон Республикаси	407514,5	10609,0	2,6
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	14185,2	0,34	0,00
	Вилоятлар:			
2	Андижон	27121,6	98,70	0,36
3	Бухоро	21151,9	9,40	0,04
4	Жиззах	11820,2	25,09	0,21
5	Қашқадарё	28412,2	9,30	0,03
6	Навоий	21729,0	1367,2	6,29
7	Наманган	18141,4	4,80	0,03
8	Самарқанд	31187,4	1,60	0,01
9	Сурхондарё	17061,9	1,25	0,01
10	Сирдарё	8200,5	0,35	0,00
